



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 -avgust

711 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Мархум Куронбаев Абдулланинг
турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида яшовчи фуқаро Куронбаев Шокир Абдуллаевичнинг мархум отаси Куронбаев Абдулланинг “Оқ олтин” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 9 апрелдаги ШЯ-Қ-1557-сонли аризасини, “Оқ олтин” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 7 апрелдаги 1185-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида жойлашган 5 (беш)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 43,7 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 78,1 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 125,4 квадрат метр, қурилиш ости майдони 244,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1377,9 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Куронбаев Абдуллага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Куронбаев Абдулланинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Куронбаев Абдулланинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев